

**КОРАКАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ  
ФАРМОЙИШИ**



**КАРАКАЛПАКСТАН  
РЕСПУБЛИКАСЫ  
МИНИСТРЛАР КЕНЕСИНИНГ  
БИЙЛИГИ**

Нүсхә шаһри

Нөкис қаласы

№ 71-6

« 2 » апрель 2018 й.


Ўзбекистон Республикаси Табиғатни муҳофаза қилиш бўйича давлат кўмитасининг 2014 йил 17 мартдаги БА-01/12-01-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 18 мартдаги 24/3-3030-сонли “Тоза ҳаво” тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўшма кўрсатмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2018 йил 17 мартдаги 03-03/3-1875-сонли хатига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2018 йил 23 мартдаги ТХ-01/02-3-686-сонли хатини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида давлат ва хусусий кичик йўналишдаги аҳолига автотранспорт хизматини кўрсатувчи корхоналарда, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш масканларида, автомагистралларда автотранспорт воситаларидан ҳаво кенглигига ташланаётган зарarli чикиндилар микдорларини назорат қилиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва “Ўздавнефтегазинспекция” давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан ҳамкорликда “Тоза ҳаво” тадбирининг биринчи босқичини 2018 йил 10 апрель – 10 май оралиғида ҳамда иккинчи босқичини 2018 йил 10 август – 10 сентябрь оралиғида ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Т.Хожаназаров), Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Д.Холжиев) ва “Ўздавнефтегазинспекция” давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими (Ж.Убайдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида икки босқичли “Тоза ҳаво” тадбирини белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлашинлар.

3. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Нағметов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев